

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА МАТЛУБАХОН МУХАММАДЖОНОВНА

**БОЛАЛАРДА РЕСПИРАТОР АЛЛЕРГОЗЛАРНИНГ КЛИНИКО-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ
ИММУНОРЕАБИЛИТАЦИЯСИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Ахмедова Матлубахон Мухаммаджоновна

Болаларда респиратор алергозларнинг клинико-патогенетик хусусиятлари
ва уларни ммунореабилитацияси 3

Ахмедова Матлубахон Мухаммаджоновна

Клинико-патогенетические особенности респираторных алергозов у детей и
способы их иммунореабилитации 34

Akhmedova Matlubakhon Mukhammadjonovna

Clinical-pathogenic characteristics of respiratory allergosis in children and
methods of their munorehabilitation 64

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 71

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВА МАТЛУБАХОН МУХАММАДЖОНОВНА

**БОЛАЛАРДА РЕСПИРАТОР АЛЛЕРГОЗЛАРНИНГ КЛИНИКО-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ
ИММУНОРЕАБИЛИТАЦИЯСИ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.DSc/Tib778 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Юлдашов Илхом Рузиевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Суяров Акрам Амиркулович тиббиёт фанлари доктори Нуралиев Неккадам Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Шамсиев Фуркат Мухиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ягеллон тиббиёт университети (Польша Республикаси)

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс: (99871) 233-08-55, e-mail: immunologiya@qir.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан руйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Я.Ғуломов кўчаси, 74. Тел./факс: (99871) 233-08-55).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илимий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илимий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илимий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий тиббиёт ривожланиши кўпчилик тиббий муаммоларни ҳал қилган бўлса ҳамки, аҳоли орасида, айниқса унинг сезгир қисми бўлган болалар орасида аллергик касалликларнинг кескин ортиб бориш тенденцияси кузатилмаяпти. Касалликнинг кўпайиши биринчи навбатда антропоген омиллар - атроф-муҳит ифлосланиши, кимёвий омиллар, радиоактив чиқиндилар; тиббий-биологик омиллар - атопияга бўлган ирсий мойиллик, организм сенсбилизациясини юзага келтирувчи омилларга боғлиқдир. Бундан ташқари ижтимоий, руҳий стресслар, озик-овқат махсулотлари сифатининг ўзгариши муҳим ўрин тутди. Бунинг клиник натижаси сифатида «...аллергик касалликлардан бронхиал астма, атопик дерматит, дермо-респиратор синдром, поллинозлар, аллергик ринит ва бошқа нозологик бирликларнинг ошиб бориши билан боғлиқ, улар аллергик касалликларнинг 20-25% ни ташкил қилади...»¹. Болаларда респиратор аллергозларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш асосида улар иммунологик реабилитациясини ишлаб чиқиш замонавий назарий ва амалий тиббиётнинг ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аллергик касалликлар билан касалланган болалар атопик фенотипи шаклланиши билан ташқи омилларга тез жавоб бериши реакцияси бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада атопиянинг асосини IgE синтези ортиши, терининг юқори сезувчанлиги ва бронхлар гиперреактивлиги ташкил этиши, соғлом болаларда аллергенлар билан узоқ вақтли контакт организмда толерантликни шакллантирса, атопияга ирсий мойиллиги бўлган болаларда бу ҳолат сенсбилизацияни келтириб чиқаришини исботлаш, аллергик касалликнинг клиник белгиларини намоён бўлишида бир қатор носпецифик омиллар адьювантлар сифатида таъсир қилишини аниқлаш, бронхиал астма ва унинг уйғунлашган шакллари даволашда сабабчи бўлган аллергенларни эрта аниқлаш, самарали даволаш усулларига специфик гипосенсбилизация киритиш, аллергик ринит, бронхиал астма ва поллинозларда моносенсбилизация ҳолатини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, болалар орасида респиратор аллергозларни самарали даволш усулларини тавсия этиш, аллергик касалликлар ошиб бориш тенденциясини пасайтириш, ушбу ҳолатлар юзага чиқмаслиги бўйича тиббий хавфсизликни таъминлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини

¹ Achilova D.N., Khushvaktova M.F. Clinical-Immunological Methods of Clinical-Immunological Research of Atopic Dermatitis in Children Permanently Residing in the Area of Oil Refining Enterprises // American Journal of Medicine and Medical Sciences. - USA, 2022. - N12(10). - P.1034-1038.

ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда турли ёшдаги болалар аллергия ҳолатини аниқлаш, улар ҳаёт сифати билан боғлиқлигини баҳолаш, шу асосда ушбу болаларда аллергия касалликларни бирламчи профилактикасига янгича ёндашувлар ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи³. Болаларда ташҳисланадиган респиратор аллергиялар клиник-патогенетик хусусиятлари, ташҳисот ва давосига йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: NCIRD – Респиратор касалликлар иммунизация маркази (АҚШ); Vaccine & Infectious Disease institute University of Antwerp (Бельгия); London School of Hygiene and Tropical Medicine (Буюк Британия); High Council for Public Health (Франция); National Center of Infectious and Parasitic Diseases (Болгария); Касалликлар назорати ва профилактикаси Европа маркази (Швеция); Халқаро болалар маркази (Туркия); Болалар соғлигини илмий текшириш маркази (Россия Федерацияси); Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Аллергия касалликларнинг болалар орасида учраш даражаси, уларни эрта ташҳислаш, самарали даволаш, иммунореабилитациясини амалга ошириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

³ <https://www.osteomyelitiscenter.com>; <https://www.oatext.com>; <https://wexnermedical.osu.edu>; <https://www.SeattleScienceFoundation.org>; <https://journals.plos.org>; wexnermedical.osu.edu (<https://wexnermedical.osu.edu>); <https://www.uthscsa.edu>; <https://www.ouh.nhs.uk>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov>; <https://www.escmid.org>

жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: болаларда кечадиган турли аллергия касалликлар, жумладан, бошқа касалликлар билан уйғунликда келган шаклларининг ташхисоти ва давосига янгича ёндошиш яратилган (Vaccine & Infectious Disease institute University of Antwerp (Бельгия); London School of Hygiene and Tropical Medicine (Буюк Британия); бронхиал астманинг бошқа аллергия касалликлар билан учрашида ўзига хос клиник-лаборатор хусусиятлар аниқланган (High Council for Public Health (Франция); National Center of Infectious and Parasitic Diseases (Болгария); турли аллергия касалликларда аллергияларнинг тутган ўрни, уни аниқлаш ва полисенсублизация масалалари ўз ечимини топган (Касалликлар назорати ва профилактикаси Европа маркази (Швеция); Халқаро болалар маркази (Туркия); болаларда учрайдиган респиратор аллергияларда организм иммунитетидеги ўзгаришлар, иммунокоррекция ва иммунореалилитация масалаларига ойдинлик киритиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилган (Болалар соғлигини илмий текшириш маркази (Россия Федерацияси); Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази (Ўзбекистон).

Дунёда бронхиал астманинг бошқа аллергия касалликлар билан уйғунлашган шаклини самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: иммуномодуляторларни буюришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш, шу билан болаларда аллергия касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш; IgE, антитаначаларнинг концентрациясини ва аллергия тери ичига киритишга дарҳол терининг реакциясини ўрганиш; бронхиал астма ва аллергия ринитни даволаш учун глюкокортикостероидлар, антилейкотриен препаратлари ва аллергияга хос иммунотерапия самарадорлигини исботлаш; клиник ва иммунологик тадқиқотлар асосида комплекс даволаш дастурини, шу жумладан иммунопатогенетик асосланган интерферон ва иммунотерапияни ишлаб чиқиш ва клиник самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда дунёда болалар ўртасида респиратор аллергиялар, бронхиал астманинг бошқа аллергия касалликлар билан уйғунлашган оғир шакллари, беморлардаги полисенсублизация ҳолатлари мунозарали муаммолардан бўлиб қолмоқда (Чучалин А.Г., 2019; Малахов А.Б., 2019; Геппе Н.А., 2020). Бронхиал астма сурункали бронх-ўпка патологияда ногиронликнинг кенг тарқалган сабаби бўлиб ҳисобланади (Ковалевская М.Н., 2017; Коганов С.Ю., 2018; Геппе Н.А., 2020). Дунёда ушбу тоифадаги беморларни ўрганиш, даволашнинг самарали усуллари кўллаш, полисенсублизация ҳолатини камайтириш, ногиронликка барҳам бериш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган (Баранов А.А., 2017; Ana В., Latorre F., 2019; Barton С.А., Dharmadge S.С., 2019). Аллергия касалликларининг ривожланишида етакчи рол нейроэндокрин тизим иштирокида туғма (генетик) ва орттирилган хусусиятлар билан белгиланадиган тананинг реактивлигига тегишлидир. Бевосита сабаб тўқималарда аллергия реакцияни чақирган аллергиядир

(DeVries A., Vercelli D., 2015). Баъзи олимларнинг фикрига кўра, организмнинг аллергияга сезгир бўлиш частотаси жуда катта фарқ қилади: уй чангига - 61,7% (Beridze V., Bakhtadze T., Beridze S., Phagava K., Chkhaidze I., Brožek G.M., Zejda J.E., 2021), гулчанглар аллергиялари: лебеда - 57,5%, айлант - 56,7%, чинор - 55,%, ёнғоқ - 45%, ипак курти - 31,7% (Абдуллаев Н.Ч., 2021). Сўнгги йилларда клиник иммунология ва алергологияда янги илмий маълумотларнинг пайдо бўлиши муносабати билан, умуман, аллергия реакциялар, хусусан, бронхиал астма патогенези ҳақидаги тушунчамиз сезиларли даражада ўзгарди. Аниқланишича, Th2 субпопуляцияси - CD4+/T-лимфоцитлар сенсибилизация, аллергия яллиғланиш ва бронхоспазмнинг ривожланиш механизмида асосий рол ўйнайди (Варламов Е.Е., 2018). Аллергия ринит билан оғриган беморларда бронхиал астма пайдо бўлишининг прогнози нима эканлиги номаълумлигича қолмоқда. Бундай беморларда астма ривожланишининг олдини олиш учун даволаш дастурларини янада ривожлантириш талаб этилади.

Ўзбекистонда бронхиал астма муаммосига бағишланган илмий тадқиқотлар қатор олимлар томонидан олиб борилган (Бобомуродов Т.А. ва ҳаммуал., 2019; Шамсиев Ф.М. ва ҳаммуал., 2017), бироқ, касалликнинг патогенези, ҳудудий хусусиятлари, касалликни бошқа аллергия касалликлар билан уйғунлашган шакллари даволаш, реабилитация, ушбу тоифадаги беморларни бошқариш тадбирлари етарлича ўрганилмаган.

Юқорида қайд этилган маълумотлар, яъни полисенсибилизация ҳолатлари, бронхиал астманинг уйғунлашган шакллари, ўлка хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда диагностика ва даволаш услубларини келгусида такомиллаштириш зарурлигини талаб этади. Бу эса бронхиал астманинг бошқа аллергия касалликлар билан уйғунлашган шаклини самарали диагностика, профилактика ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01970004975 «Аллергия реакцияни зудлик (тезкор) ва чўзилган турларини ўрганиш ва специфик, носпецифик терапиянинг излаш» (2014-2018 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда респиратор аллергияларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш асосида улар иммунологик реабилитацияси самарадорлигини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда респиратор аллергияларнинг учраш даражаси ва таркибини анкета сўровлари ва мурожаати асосида аниқлаш;

болаларда аллергия касалликлар ва бронхиал астманинг шаклланишига таъсир этувчи асосий хавф омилларини аниқлаш ва баҳолаш;

болаларда бронхиал астма ва унинг уйғунлашган шакли клиник хусусиятлари ўрганиш баробарида улар иммун статусини аниқлаш ва баҳолаш;

болаларда респиратор алергозларга кирувчи бронхиал астмада улар қон зардоби ва сўлагида яллиғланишни қўлловчи ва унга қарши цитокинлар концентрацияларини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш;

бронхиал астманинг алергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида специфик ва комплекс иммунотерапиянинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

болаларда бронхиал астманинг алергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура ва тоғ иқлими шароитида игнарефлексотерапиянинг клиник-иммунологик самарадорлигини аниқлаш ва қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Фарғона шаҳар болалар шифохонасида 2007-2016 йилларда стационар ва амбулатор шароитида алергик касалликлар билан даволанган 485 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон зардоби, сўлак, ЖБАЛ (яллиғланиш ўчоғига максимал яқинлаштирилган жойдан олинган суюқлик), АСИТ, полиоксидоний олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда болаларда респиратор алергозларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш учун алергологик, иммунологик, клиник-лаборатор, функционал, акупунктура ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийсида респиратор алергозлар билан ҳаста болаларда организм моносенсибилизация ҳолати кўп ҳолларда уй чангига 48%, ўсимлик чангига 24%, овқат алергенлари 16% ва 12% эпидермал алергенларга боғлиқ эканлиги, ҳамда у ёки бу алларгенларга организм сенсибилизация даражаси болалар жинсига боғлиқ бўлиб, ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан уй чангига сенсибилизация 1,7 марта, ўсимлик чангига 1,5 марта юқори эканлиги исботланган;

респиратор алергозлар кузатилган бемор болалар қон зардобида яллиғланишни қўлловчи ва унга қарши цитокинлар - IL-1β, IL-4, IFN-γ ва TNF-α ларнинг номутаносиблигининг диагностик ва прогностик аҳамияти, шунингдек, алергик касалликлар учун янги клиник патогенетик ўрни аниқланган;

алерген специфик иммунотерапия комплексига полиоксидоний препаратининг маълум танланган дозировкасини қўшиш болаларда ташхисланган респиратор алергозларларида юқори даражадаги ишончли таъсирга эга эканлиги аниқланган;

болалар орасида бронхиал астманинг оғир кечишида комплекс иммунореабилитация (базисли даво асосида полиоксидоний, буйрак усти беши соҳасига индуктотермия)нинг базисли давога нисбатан юқори самараси исботланди ва касаллик этиологиясида худудуий ўсимликлар алергенлари:

чинор, айлантус, марь, момоқаймоқ ва бактериал аллергенлар муҳим ўрин тутиши исботланган;

илк бор болаларда бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида ноананавий довалаш усуллари лазеропунктура (игнарефлексотерапия) нинг клиник-иммунологик, лаборатор функционал самарадорлиги исботланди. Анъанавий давога нисбатан юқори самараси аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бронхиал астманинг аллергик риносинусит билан уйғунлашган шаклларида полисенсibiliзациянинг бемор болаларни даволашдаги диагностик ва прогностик аҳамияти кўрсатиб берилган;

болаларда кечган бронхиал астманинг бошқа аллергик касалликлар билан уйғунлашган шаклларида аниқланган иккиламчи иммунодефицит ҳолати ушбу касалликларни даволаш тадбирлари дастури ва режасини тузишда инobatга олиниши лозимлиги кўрсатиб берилган;

болаларда кечган бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида аллерген специфик иммунотерапия самарадорлигини ошириш, асоратлар олдини олиш мақсадида даволаш комплексига полиоксидоний тавсия этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланган;

болалардаги бронхиал астманинг уйғунлашган шаклида реабилитация боскичида лазеропунктура, тоғ иқлими шароитида игнарефлексотерапиянинг муолажаларини даволаш комплексига киритиш клиник аллергология соҳаси учун тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, клиник материал сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, функционал, аллергологик, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида болаларда респиратор аллергозларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганишнинг ўзига ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Фарғона вилоятида болалар орасида респиратор аллергозлар этиологиясида уй чанги 46,1%, ўсимлик чанги 21,7%, овқат аллергенлари 17,4% ва эпидермал аллергенлар 13,0% гача эканлиги исботланганлиги, респиратор аллергозлар кузатилган бемор болалар қон зардобида IL-1β, IL-4, IFN-γ ва TNF-α лар диагностик ва прогностик аҳамияти, аллергик касалликлар учун янги клиник патогенетик ўрни аниқланганлиги, иммунотерапия комплексига полиоксидоний препарати қўшилишининг болаларда ташҳисланган респиратор аллергозларларда юқори самараси аниқланганлиги, дозировкаси танланганлиги, бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида иммун тизимидаги ўзгаришлар даражаси уларни даволаш ва иммунореабилитация тактикасини белгилашда асосий ўрин

тутиши исботланганлиги, болаларда бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура ва тоғ иқлими шароитида игнарефлексотерапиянинг клиник, иммунологик самарадорлиги исботланганлиги, анъанавий давога нисбатан ишонарли равишдаги самараси аниқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астманинг аллергик риносинусит билан уйғунлашган шаклларида полисенсibiliзациянинг бемор болаларни даволашдаги диагностик ва прогностик аҳамияти кўрсатиб берилганлиги, соғлиқни сақлаш амалиётига тавсия этилганлиги, болаларда кечган бронхиал астманинг бошқа аллергик касалликлар билан уйғунлашган шаклларида аниқланган иккиламчи иммунодефицит ҳолати ушбу касалликларни даволаш тадбирлари дастури ва режасини тузишда инобатга олиниши лозимлиги кўрсатиб берилганлиги, болаларда кечган бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида иммунотерапия самарадорлигини ошириш, асоратлар олдини олиш мақсадида даволаш комплексига полиоксидоний тавсия этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги, болалардаги бронхиал астманинг уйғунлашган шаклининг авж олиш босқичида лазеропунктура ва реабилитация босқичида тоғ иқлими шароитида игнарефлексотерапиянинг муолажаларини даволаш комплексига киритиш клиник аллергология соҳаси учун тавсия этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда респиратор аллергозларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини ўрганиш асосида улар иммунологик реабилитацияси самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илк бор Фарғона водийсида респиратор аллергозлар билан ҳаста болаларда организм моносенсibiliзация ҳолати кўп ҳолларда уй чангига 48%, ўсимлик чангига 24%, овқат аллергенлари 16% ва 12% эпидермал аллергенларга боғлиқ эканлиги, ҳамда у ёки бу аллергенларга организм сенсibiliзация даражаси болалар жинсига боғлиқ бўлиб, ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан уй чангига сенсibiliзация 1,7 марта, ўсимлик чангига 1,5 марта юқори эканлиги исботланган; шунингдек уларнинг касаллик кечишидаги салбий таъсири даражаси исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда 8н-р/110,111-сон билан тасдиқланган «Атопик бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура самарадорлигини баҳолаш» ва «Бронхиал астмани аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида специфик иммунотерапияда полиоксидонийни қўлланилиши» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 15.03.2019 йилдаги 5/1-сон ҳамда Марғилон шаҳар болалар шифохонаси бўйича 15.03.2019 йилдаги 3/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/16-сон хулосасига кўра илмий натижадарни тиббий, иқтисодий самарадорлиги баён қилинган).

Ижтимоий самарадорлиги: респиратор аллергозлардан даволаш реабилитация алгоритмини қўлланилиши, аллергик синамаларни вақтида ўтказиш ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини яхшиланиши, хужайра ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларини меъёрга келтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда респиратор аллергозларда специфик ва носпецифик ташхислаш усулларини қўллаш бемор болаларни шифохонада даволаниш давомийлигини 14 кундан 7 кунга қисқариши ҳисобига ҳар бир беморга нисбатан иқтисодий самарадорлик 550000 сўмни ташкил этди;

иккинчи илмий янгилик: респиратор аллергозлар кузатилган бемор болалар қон зардобида яллиғланишни қўлловчи ва унга қарши цитокинлар - IL-1 β , IL-4, IFN- γ ва TNF- α ларнинг номутаносиблигининг диагностик ва прогностик аҳамияти, шунингдек, аллергик касалликлар учун янги клиник патогенетик ўрни аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда 8н-р/110,111-сон билан тасдиқланган «Атопик бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура самарадорлигини баҳолаш» ва «Бронхиал астмани аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида специфик иммунотерапияда полиоксидонийни қўлланилиши» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 15.03.2019 йилдаги 5/1-сон ҳамда Марғилон шаҳар болалар шифохонаси бўйича 15.03.2019 йилдаги 3/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/16-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* респиратор аллергозларда даволаш реабилитация алгоритмини қўлланилиши ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, хужайра ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларини меъёрга келтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш давомийлигини 14 кундан 7 кунга қисқариши ҳисобига бир нафар беморга нисбатан ҳисобига 220000 сўмни ташкил этди;

учинчи илмий янгилик: аллерген специфик иммунотерапия комплексига полиоксидоний препаратининг маълум танланган дозировкасини қўшиш болаларда ташхисланган респиратор аллергозларларида юқори даражадаги ишончли таъсирга эга эканлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда 8н-р/110,111-сон билан тасдиқланган «Атопик бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура самарадорлигини баҳолаш» ва «Бронхиал астмани аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида специфик иммунотерапияда полиоксидонийни қўлланилиши» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 15.03.2019 йилдаги 5/1-сон ҳамда Марғилон шаҳар болалар шифохонаси бўйича 15.03.2019 йилдаги 3/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/16-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:*

полиоксидони иштирокида ўтказилган АСИТ бемор болалар ҳаёт сифатини яхшиланиши ва рнмиссия даврини узайишига олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бемор болаларга ўтказилган комплекс АСИТ даволаниш давомийлигини 14 кундан 7 кунга қисқариши ҳисобига ҳар бир беморга нисбатан истисодий самарадорлик 385800 сўмни ташкил этган;

тўртинчи илмий янгилик: болалар орасида бронхиал астманинг оғир кечишида комплекс иммунореабилитация (базисли даво асосида полиоксидоний, буйрак усти беги соҳасига индуктотермия)нинг базисли давога нисбатан юқори самараси исботланди ва касаллик этиологиясида худудуий ўсимликлар аллергенлари: чинор, айлантус, марь, момоқаймоқ ва бактериал аллергенлар муҳим ўрин тутиши исботланган;

бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида иммун тизимидаги ўзгаришлар даражаси ушбу бемор болаларни даволаш ва иммунореабилитация тактикасини белгилашда асосий ўрин тутиши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда 8н-р/110,111-сон билан тасдиқланган «Атопик бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура самарадорлигини баҳолаш» ва «Бронхиал астмани аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида специфик иммунотерапияда полиоксидонийни қўлланилиши» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 15.03.2019 йилдаги 5/1-сон ҳамда Марғилон шаҳар болалар шифохонаси бўйича 15.03.2019 йилдаги 3/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/16-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* респиратор аллергозларда даволаш реабилитация алгоритмини қўлланилиши ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳужайра ва гуморал иммун тизими кўрсаткичларини меъёрга келтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* респиратор аллергозларда специфик ва носпецифик ташхислаш усулларини қўллаш бемор болаларни шифохонада даволаниш давомийлигини 14 кундан 6 кунга қисқариши ҳисобига ҳар бир бемор болага нисбатан иқтисодий самарадорлик 720800 сўмни ташкил этди;

бешинчи илмий янгилик: илк бор болаларда бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура ва тоғ иқлими шароитида игнарефлексотерапиянинг клиник ва иммунологик самарадорлиги исботланиб, анъанавий даволашдан фарқли ўлароқ ишончли таъсири аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 4 апрелда 8н-р/110,111-сон билан тасдиқланган «Атопик бронхиал астманинг аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклида лазеропунктура самарадорлигини баҳолаш» ва «Бронхиал астмани аллергик риносинуситлар билан уйғунлашган шаклларида специфик иммунотерапияда полиоксидонийни қўлланилиши» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 15.03.2019 йилдаги 5/1-сон ҳамда Марғилон шаҳар

болалар шифохонаси бўйича 15.03.2019 йилдаги 3/1-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган илмий натижаларни тиббий ва иқтисодий самарадорлиги (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 06/16-сон хулосасида сингдирилган). *Ижтимоий самарадорлиги:* респиратор аллергозларда даволаш реабилитация алгоритмини қўллаш ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш усуллари оптималлаштиришдан иборат. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни стационар шароитида даволашни давомийлигини 14 кундан 6 кунга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик бир нафар беморга нисбатан 550000 сўмни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси ҳорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 261 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети намоён этилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда аллергик касалликларнинг тарқалиши, этиологияси, патогенези, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси тўғрисида замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, бу ерда аллергик касалликлар учраш даражаси, улар ривожланишининг замонавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар очиқ берилган. Аллергик касалликлар патогенезида хужайравий ва гуморал иммунитет параметрлари, цитокинлар иштироки кўрсатилган. Аллергик касалликлар специфик диагностикаси ва имунотерапиясида иммунокоррегик препаратларнинг ўрни кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Респиратор аллергозлар билан хасталанган бемор болалар тавсифи, тадқиқот қўлами ва қўлланилган тадқиқот услублари тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида 2007-2016 йилларда Фарғона

вилоят болалар касалхонасида стационар ва амбулатор даволанишда бўлган аллергия касалликлар билан ҳасталанган 485 нафар болалар маълумотлари келтирилган.

Улардан 296 (61%) беморда атопик бронхиал астма ташхиси қўйилиб, уларнинг орасида 60 беморда аллергия риносинусит билан бирлаштирилган шакл, 236 беморда эса атопик бронхиал астма ташхисланди. Клиник кечишга кўра, атопик бронхиал астма қўйидаги оғирлик даражаларига бўлинади: касалликнинг енгил шакли 39 (16,5%) беморларда, ўртача оғирликдаги шакли 107 (45,3%) беморларда, оғир кечиши 90 (38,1%) беморларда қайд этилган. Бронхиал атманинг уйғунлашган шакли аниқланган беморлар оғирлигига қараб қўйидагича бўлинган: 21 (35%) беморларда енгил шакли, 24 (40%) беморларда ўртача оғирликдаги шакл, 12 (20%) беморларда оғир кечиши қайд этилган. Бронхиал атманинг уйғунлашган шакли аниқланган беморларда йўлдош касалликлар ва касалликнинг асорати Квинке шиши, полиноз, атопик дерматит, сурункали эшак еми, аллергия ринит ва дори аллергияси ҳисобланади.

Жами 125 нафар (25,8%) болалар анамнестик маълумотларига кўра, хомиладорликни ўтиши номаъқул бўлган оналардан туғилганлар. 90 нафар (18,5%) оналарда патологик туғилиш, жумладан, аёлларнинг 42 (8,6%) нафарида Кесерев жарроҳлик муолажаси, вақтидан илгари бўлган туғилиш 31 нафани (6,9%) ташкил этган.

Хомиладорлик ва туғилиш патологияси 87 (18%) аёлларда белгиланди. Эрта ёшда (3 ёшгача) 123 нафар (25,4%) болалар касал бўлган. 332 нафар (68,5%) бемор болаларда касалликнинг кечиши 3 йилдан ошган: бир ёшгача 153 нафар (31,5%), 3-7 ёшгача 218 нафар (44,9%), 8-15 ёшгача 144 нафар (29,6%) болалар касал бўлганлар.

Бронхиал астма (БА) ривожланишига сабаб бўлган омиллар ичида генетик мойиллик муҳим аҳамият касб этган. Кузатилган 213 нафар (71,9%) болалар насабномаси таҳлил қилинганда, яқин қариндошларида аллергия касалликлар аниқланган. Кузатилган болаларнинг 190 нафарида (64,1%) эрта ёшда аллергия диатез ҳолатлари аниқланган. Болалар орасида 72 нафари (24,3%) атопик дерматит билан ҳасталанганлиги аниқланган.

Ўрганиш давомида ЛОР аъзолар патологиясига катта эътибор қаратилган, 212 нафар (43,7%) болаларнинг тез-тез касалланиб туриши аниқланган. Уларда респиратор касалликлар йилига 5 мартадан кўпроқни ташкил қилган. 110 нафар (22,6%) болаларда ЛОР аъзолар доимий инфекцияси (узоқ давом этган тонзиллит, гайморит, синусит) борлиги аниқланган. Шунини айтиш керакки, ўткир респиратор инфекциялар (ЎРИ) 78 нафар (16,0%) болаларда нафас қисиш хуружини ривожланишининг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Нафас қисиш хуружи ривожланишига сабаб бўлган бошқа омилларга, 41 нафар (8,4%) беморларда аллергиялар билан яқин алоқа ва 39 нафар (8,0%) болаларда жисмоний зўриқиш сабаб бўлган.

Аллергия касалликлар таҳлили учун материаллар шифохонада даволаниб чикган беморлар хужжатларининг ретроспектив текширувига

асосланган: стационарда даволаниб чиққан беморлар картаси; касаллик тарихи. Барча тадқиқотлар Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Марғилон шаҳар болалар шифохонасида даволанган беморлар ҳужжатларини ўрганиш бўйича 2007-2016 йилларда амалга оширилган.

Бронхиал астма махсус ташҳисотини И.И.Мечников номли Вакцина ва зардоблар институтида (Москва, РФ) тайёрланган аллергенлар билан амалга оширилган. Махсус ташҳис учун 1 мл оқсил азотни (PNU) 10000 бирлиги бўлган аллергенлар қўлланилган.

Биологик фаол моддаларга бронхлар респиратор аппаратини сезувчанлик бўсағасини аниқлаш мақсадида соғлом ва бемор болаларда аниқ бронхоспазм келтириб чиқарадиган гистамин ва ацетилхолин қўлланилган. Нафас чиқариш ҳажминини аниқлашда пикфлуометрдан (маркаси, мамлакат) фойдаланилган ва унинг натижаси л/секда ифодаланган (Вельтишев Ю.Ю., Omron PFM-20 Япония, Кисляк Н.С., 1979).

Оториноларингологик текширувга ЛОР аъзоларни текшириш киритилган ва даволашдан олдин, кейин провокацион ингаляция ҳамда назал тестларни ўтказиш вақтида, ремиссия даврларида амалга оширилган. Шунингдек, ташҳисни тасдиқлаш мақсадида риноскопия, отоскопия, ларингоскопия анъанавий усулларда ўтказилган.

Буруннинг ҳид сезиш хусусиятини ҳид тарқатувчи моддаларни қабул қилиш ва ажратиш қобилияти бўйича баҳоланган. Бунинг учун ҳид тарқатувчи моддалар (хўжалик совуни, парафин, атиргул мойи, кофе, тамаки, ментол, скипидар, укроп, қорамой) кенг тўпламини қўллаш билан субъектив сифатли ольфактометрия усули қўлланилган.

Иммунологик текширувларда соғлом ва бемор болалар периферик қонида лейкоцитлар, лимфоцитлар, CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD20+- маркёрлар тутувчи («Сорбент» МЧЖ, Москва, РФ) лимфоцитлар миқдорини аниқлаш амалга оширилган (Федосеева А.В. ва ҳаммул., 1993).

Одам биологик суёқликларидаги G, A, M синфга мансуб иммуноглобулинлар (IgG, IgA, IgM) миқдорини Гамалея Н.Ф. номидаги Москва микробиология ва эпидемиология институтида (РФ) ишлаб чиқилган моноспецифик зардобни қўллаб, Manchini (1965) бўйича радиал иммунодиффузия усули ёрдамида аниқланган. IgE концентрацияси қон зардобда ИФА усули билан аниқланган.

Ўсмани некроз омили α (TNF- α) интерлейкинлар-1 β (IL-1 β) ва (IL-4) интерферон- γ (IFN- γ) концентрациялари ИФА ёрдамида Санкт-Петербург ўта тоза биопрепаратлар илмий-тадқиқот институти (ООО «Цитокин») реактивлари қўлланилган ҳолда амалга оширилди.

Текширилаётган бемор болаларда специфик иммунотерапия Европа аллергологлар уюшмаси томонидан 2013 йилда тавсия этилган классик парентерал усул ёрдамида ўтказилган.

Махсус бўлмаган терапия - игнарефлексотерапия, лазеропунктура билан денгиз сатҳидан 2200 метр баландликда бўлган, Фарғона водийсида жойлашган «Ҳамзаобод» санаториясида амалга оширилган. Тоғ иқлимида даволаниш игнарефлексотерапия билан биргаликда қўлланилган. Корпорал

нуқталар P-7, P-8, P-10, E-36, E-41, VB-20, VI-2, RP-9, GI-4, TR-6, MC-7, F-8, VB-41 ва AT-12, AT-13, AT-22, AT-25, AT-31, AT-1-33, AT-60, AT-78, AT-101, AT-102 аурикуляр нуқталар таъсирланган. Даволаш ҳар куни ўтказилган ва даволаниш курси 10-12 муолажани ташкил этган, даволаш натижаси Упур Х. (1993) бўйича баҳоланган. Игнаги рефлексотерапияни классик усулидан фойдаланилган, жумладан биринчи вариант тормозли усул касалликнинг авж олган, иккинчи вариант касалликнинг ремисия даврида қўлланилган.

Лазеропунктурани амалга ошириш учун 0,63 мкм тўлқин узунлиги бўлган ЛГ-78; 2 мВт/см-нурланиш қувватини зичлиги бўлган гелий-неон лазер қўлланилган. Таъсир вақти битта корпорал нуқтага 10-15 сония ва аурикуляр нуқтага 5-10 сония вақт сарф қилинган. Даволаш курси 2 ҳафтали танаффуслар билан 5-10 даволаш тадбирларини ташкил қилган.

Олинган материалларни статистик қайта ишлаш анъанавий вариация статистика усуллари ёрдамида амалга оширилган, бунда «Excel» дастуридан фойдаланилган. Статистик таҳлил «Pentium IV» процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийсида доимий истикомат килувчи болаларда бронхиал астманинг уйғунлашган шакли ва бошқа аллергик касалликлар учраш даражасини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида 10 йил давомида Фарғона вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ва Марғилон шаҳар болалар шифохонаси стационарларида турли аллергик касалликларга дучор бўлган 485 нафар бола госпитализация қилинганлиги қайд этилган. Бемор болаларни ёши бир неча ойдан 14 ёшгача бўлган. Кўпчилик беморларнинг ёши 3-7 ёшда бўлиб, 218 (44,9%)ни ташкил қилган. Касалланиш тезлиги нисбатан жинсга боғлиқ бўлган, яъни ўғил болалар (63,1±6,9%) қиз болаларга (36,9±6,9%) қараганда кўпроқ касалга дучор бўлганлар (1-жадвал).


1-жадвал

Болалар орасида аллергик касалликларнинг жинслар бўйича учраш даражаси кўрсаткичлари

Ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%
3 ёшгача	77	15,9±1,7	46	9,5±1,3*	123	25,4±2,0
3-7 ёш	137	28,3±2,0	81	16,7±1,7*	218	44,9±2,3
8-15 ёш	93	19,2±1,8	51	10,5±1,4*	144	29,7±2,1
Жами	307	63,3±2,2	178	36,7±2,2*	485	100,0

Эслатма: * - жинслараро ишонарли фарқ белгиси.

Аллергик касалликларнинг клиник шакллари турлича бўлиб, атопк бронхиал астма ўрганилган беморларнинг 296 нафарида (61%), озиқ-овқат аллергияси 89 нафарида (18,3%), дори аллергияси 46 нафарида (9,7%), атопик дерматит 34 нафарида (7%), полиноз 15 нафарида (3%), инсект аллергия 5 нафарида (1%) учраши аниқланди (1-расм).



1-расм. Болаларда аллергия намён бўлишининг частотаси ва клиник шакллари; 1- бронхиал астма, 2- озиқ-овқат аллергияси, 3- дори аллергияси, 4- атопик дерматит, 5-поллиноз, 6-инсект аллергияси.

Касалликнинг биринчи аломатлари 3 ёшгача бўлган болаларда вужудга келган - 258 нафарда ($53,2 \pm 2,2\%$), 3-7 ёшгача бўлса 144 нафарда ($29,7 \pm 2,0\%$), 8-15 ёшгача 83 нафарда ($17,1 \pm 1,7\%$) учрагани аниқланган. Кўп ҳолатларда ($69,3 \pm 2,1\%$, $n=336$) касалликнинг давомийлиги 4-6 йил ва ундан ҳам кўп муддатни ташкил қилган.

Касалликнинг ривожланишида хавф омиллари катта аҳамиятга эга бўлган. Сунъий ва эрта аралаш овқатлантириш ($73,8 \pm 1,9\%$), аллергия диатезлар ($72,9 \pm 2,0\%$) ирсий мойиллик ($64,9 \pm 2,1\%$), психо-эмоционал стресс ҳолатлар ($44,9 \pm 2,1\%$) ЎРИ ($41,8 \pm 2,2\%$) ва ташқи муҳит омиллари ($34,8 \pm 2,1\%$) каби хавф омиллари кўпроқ учраган.

Фарғона водийсининг минтақавий шароитида атопик бронхиал астма, озиқ-овқат аллергиялари, дори аллергиялари, аллергия дерматит ва инсект аллергияси камроқ тарқалган.

Бронхиал астма этиологиясида ҳудудий ноинфекцион алергенлар катта аҳамиятга эгаллиги маълум, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, моносенсибилизация 25 нафар ($40,1 \pm 6,5\%$) бемор болаларда, полисенсибилизация эса 35 нафар ($58,9 \pm 6,5\%$) болаларда аниқланган. Шунингдек, аниқланишича, кўп ҳолатларда (48%) организм моносенсибилизация ҳолати уй чанги алергенларига боғлиқ бўлган, бошқа алергенлар ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган: ўсимликлар ($21,7\%$), озиқ-овқат ($17,4\%$) ва эпидермал ($13,0\%$) (2-жадвал).

Бронхиал астма билан касалланган беморларда моносенситизация спектри

Аллергенлар	Учраш даражаси, % (M±m)		
	Ўғил болалар	Қиз болалар	Иккала жинс
Уй чанги	8 (32)	4 (16)	12 (48)
Ўсимлик чанги	4 (16)	3 (12)	7 (24)
Озиқ-овқат	2 (8)	2 (8)	4 (16)
Эпидермал	2 (8)	1(4)	3 (12)
Жами:	16 (64)	9 (44)	25 (100)

У ёки бу аллергияларда сенсибилизация даражаси болалар жинсига боғлиқ бўлган, ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан уй чангига 1,7 марта, ўсимлик чангига нисбатан 1,5 марта юқори бўлган. Шу билан биргаликда бемор болаларда полисенситизация ҳолати жинсга боғлиқ ишонарли даражада тафовутланмаганлиги аниқланган ($p>0.05$) (3-жадвал). Олинган параметрлар бошқа тадқиқотчилар (Цой С.Н., 2002; Ирсалиева Ф.Х., 2014) томонидан олинган шундай натижаларга монанд бўлган.

Бронхиал астма ташхисланган болаларда полисенситизация учрашининг жинслараро спектри

Мижозлар жинси	Аллергенларга полисенситизация ҳолати			
	1-2 аллергия	3-4 аллергия	5-6 ва ундан ортиқ аллергия	Жами
Ўғил болалар	12 / 36,4	5 / 15,2	3 / 9,1	20 / 60,6
Қиз болалар	8 / 24,2	3 / 9,0	2 / 6,1	13 / 39,4
Иккала жинс	20 / 60,6	8 / 24,2	5 / 15,2	33 / 100,0

Эслатма: суратда мутлоқ ва мажражда нисбий (%) сонлар.

Касалликни клиник аломатларини таҳлили куйидаги натижаларни кўрсатган: йил бўйи авж олиши 164 нафар (69%), фаслий 32 нафар (13,5%), 40 нафар болада эса (17,5%) йил давомида нисбатан енгил кечиши аниқланиб, баҳор ва куз фаслларида оғир хуружлар намоён бўлган.

Бронхиал астма билан хаста болаларда озиқ-овқат аллергияси ривожланишининг хавф омиллари таҳлил қилинган. Текширувлар шуни кўрсатдики, $70,7\pm 7,0\%$ болаларда БА га генетик мойиллик бўлган, $53,9\pm 4,5\%$ ҳомиладорлик вақтида оналардаги патология, $64,6\pm 3,9\%$ сунъий овқатлантиришда бўлган, $81,4\pm 2,5\%$ аллергия диатез билан хаста болалар бўлган. Психоэмоционал стресс ҳолатлар таъсирига $35,8\pm 3,1\%$ болалар тортилган, тамаки тутуни зарарли таъсирига $42,9\pm 3,3\%$, уй-жой ва турмуш шароитлари қониқарсизлиги $42,9\pm 3,3\%$ болаларда аниқланган.

БА билан оғриган болаларда дори аллергияси ривожланишининг хавф омиллари бўлиб, куйидагилар ҳисобланган: $62,6\pm 3,7\%$ болаларда ирсий

мойиллик, $54,8 \pm 5,2\%$ оналарда гестоз, $54,8 \pm 5,2\%$ болаларда сунъий ёки аралаш овқатлантириш, $55,4 \pm 3,8\%$ аллергик диатез, $38,5 \pm 6,0\%$ ЎРИ, $51,8 \pm 3,8\%$ психоэмоционал стресс ҳолатлар, $36,7 \pm 3,7\%$ тамаки тутуни зарарли таъсири ткаби хавф омиллари кузатилган.


